

Истеъдодли носир, жамоатчи, журналист Ўқтам Усмонов киска умр кўрсада аммо тарих ўз мухрига оладиган хикоя, кисса ва «Гирдоб» каби ажойиб . роман колдириб кетган адибдир. У 1938 йилда Тошкент вилоятининг Кибрай тумани, Байтқўргон кишлогига дехкон-боғбон оиласида тугилди. Ўрта мактабдан сўнг Тошкент педагогика институтига кириб ўқиди. Уни муваффақиятли тугатгач, аввал «Ленин учкуни» (1960— 1965), сўнг «Совет Ўзбекистони» (1965—1972) рўзномаларида бўлим бошлиги бўлиб ишлади. 1972—1982) йилларда қарийб ўн йил мобайнида Республика партия Марказий кўмитасида, сўнг Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида котиб ҳамда умрининг охиригача «Совет Ўзбекистони» рўзномасида бош муҳаррир вазифаларида иш олиб борди.

Адиб ижодининг бошланиши асосан 50-йилларнинг сўнги, 60-йилларнинг бошларига тўғри келади. У аввал хикоянавис, сўнг киссанавис ва пировард романнавис сифатида эл-юртга танилди. Унинг биринчи хикоялар тўплами 1964 йилда «Гулдаста» ва 1965 йилда «Бас бойлашган бола» номларида нашр этилади. 1970 йилга келиб, «Баҳор чакмоқлари» номи билан мазкур асар ва бир катор хикоялар жамланиб тўплам холида нашр бўлади. Сўнгра, адибнинг «Нотинч кеча» (1976), «Сирли сохил» (1981) каби иккита хикоялар тўплами ўқувчига тақдим этилди. Ушбу хикояларда адибнинг маънавият, одамийлик ва инсонийлик ҳақидаги хулосалари ранг-баранг образлар тимсолида, хаётий деталларда умумлаштирилади.

У киссанавис сифатида «Баҳор чакмоқлари» (1970) дан сўнг «Кишан», «Кисмат» каби бир катор жиддий асарлар ҳам яратди. Хар икки асар ҳам китобхон ва адабий танқид томонидан яхши баҳоланди. Шунини айтиш керакки, адиб Ўқтам Усмонов ижоди жараёнида «Гирдоб» (1979) романи алоҳида рол ўйнайди. Унда бир катор олимлар характери яратиш мисолида адолат билан ноҳақлик, садокат билан хиёнат ўртасидаги кураш жараёни замонавий руҳда маҳорат билан умумлаштирилиб берилди. Шунинг учун ҳам мазкур роман 1980 йилги Ойбек мукофотида сазовор бўлади.

Ёзувчининг бир катор асарлари, жумладан, «Чест» (1977), «Расскази (1983), «Наедине» (1982) «Ожидание» (1986) каби хикоя ва киссалари, романлари рус ва қардош тилларда чоп этилган. Адиб 1990 йил 3 январда ҳаётдан кўз юмди. У колдирган маданий мерос эса ундан ёдгорлик бўлиб колди.